

# Иш боши — ИНТИЗОМ

*Жорий йилнинг 18 апрелда Самарқандда кечган “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари куни” муносабати билан ўтказилган тантанада мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, муҳандислик коммуникацияларини ўз вақтида сифатли қуриш ва таъмирлаш, уларнинг атрофидаги ҳудудларни ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшганлар “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландилар.*



Тақдирланганлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси “Туямўйин-Нукус” минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси “Тахиятош сув тозалаш иншооти” бошлиғи М.Жуманов ўзининг 25 йиллик самарали меҳнати ва ҳаётий тажрибаси билан корхона жамоасининг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Ҳикоямиз қаҳрамони оддий операторликдан корхона раҳбаригача бўлган лавозимларда сидқидилдан меҳнат қилди. У меҳнат қилаётган корхона Тахиятош, Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот туманлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Корхона жамоаси томонидан белгиланган иқтисодий кўрсаткичлар режаси охириги уч йилда 105 фоизга бажарилиб, 3076,3 млн. сўм даромад келтирди. Бу кўрсаткичга эришишда раҳбарнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мақсадбой акадан ютуқлар сир-асрорларини сўраганимизда “Бизнинг масъулиятли вазифамиз иш жараёнида техника хавфсизлиги меъёрларига қатъий амал қилиш, сув қувурларидаги техник мосламаларни режали таъмирлаш, авария ҳолатларининг олдини олишдан иборат”, – деб жавоб берди.



Ўз ишига масъулият билан ёндашадиган, ма-  
лакасини назарий ва амалий жиҳатдан доимо  
ошириб борадиган, изланувчан, моҳир раҳбар  
эканлигига корхонага борганимизда яна бир  
бор имонимиз комил бўлди. Насос ускуналари-  
нинг самарали ва тўхтовсиз ишлашини таъмин-  
лаш, ишлаб чиқарилган ичимлик сувини истеъ-  
молчиларга узлуксиз етказиб бериш, бу осон иш  
эмас, албатта.

Корхона ҳовлиси ораста, ҳар бир қарич ерига  
ишлов берилган, мевали ва манзарали дарахт-  
лар яшнаб турибди. Иншоотлар ичига кирсан-  
гиз ҳамма асбоб-ускуналар, барча техника янги-  
дай соз ҳолатда, ходимлар махсус кийим-бошда,  
хушмуомалали. Ҳар бир саволга мутахассислар  
аниқ жавоб беришади, тартиб-интизом жойида.

– Ишхонада барча ишлар аъло экан, хўш,  
шундай раҳбарнинг оиласи қандай экан? – Мақ-  
садимизни билдирдик.

– Бир соатга шошмай турасизлар, янгангиз  
ишда, фарзандларим ўқишда», – деб жавоб бер-  
ди қаҳрамонимиз.

Хуллас, вақт ҳам бўлди. Биз айтилган хона-  
донга бордик. Миллий услубда қурилган уй, хо-  
надоннинг ичи қорақалпоқ услубида безатил-  
ган. Бизни уй бекаси очиқ чехра билан кутиб  
олди. Сўнг, фарзандлари бирин-кетин ўқув дар-  
гоҳидан кела бошлади. Улар билан ҳам қисқа,  
аммо мазмунли суҳбат қурдик.

Маҳсадбой ака турмуш ўртоғи Гулжаҳон опа  
билан 26 йилдирки тинч-тотув, иноқ яшаб кел-  
моқда. Тўнғич фарзандлари Руслан Нукус Давлат  
университетининг нефть-газ факультетини би-  
тираётган экан. Ерлан мазкур университетнинг  
Энергетика факультетида 1-босқич талабаси. Тў-  
марис эса Нукус тиббиёт коллежида 3-босқичда  
таҳсил олмоқда. Оиланинг энг кенжаси Ис-  
ломжон бўлса, мактабда 6-синф ўқувчиси.

Файзли хонадондан қайтар эканмиз, меҳмон-  
дўст, аҳил оилани кўриб, тўғриси, тўлқинланиб  
кетдик. Бундай оилалар юртимизда янада кўпа-  
йишини ният қилдик.

**Ш.РАДЖАБОВ,  
К.ЎЛМАСОВ**

